

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI HUZURIDAGI
“O’ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY
ASOSLARI VA MUAMMOLARI” ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**



РЭУ.РФ
РОССИЙСКИЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.В. ПЛЕХАНОВА



**MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA
BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI**

**mavzusidagi
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi**

MATERIALLAR TO’PLAMI

2024-yil 24-oktyabr



**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI HUZURIDAGI
“O’ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY
ASOSLARI VA MUAMMOLARI” ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**



РЭУ.РФ
РОССИЙСКИЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.В. ПЛЕХАНОВА



**MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA
BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI**

**mavzusidagi
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi**

MATERIALLAR TO’PLAMI

2024-yil 24-oktyabr

Toshkent - 2024

"Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va barqaror rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari" ilmiy-tadqiqot markazi. -T.: 2024. -717 b.

Ushbu to'plam "Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va barqaror rivojlantirish istiqbollari" mavzusida bo'lib, unda Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi doirasida milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishini ta'minlashning ilmiy asoslari, iqtisodiy tizimning moliyaviy infratuzilmasini rivojlantirish, inson kapitalini takomillashtirish va aholi turmush darajasini oshirish va mintaqaviy rivojlanishning davlat iqtisodiy siyosati kabi mavzularga oid tadqiqot ishlari va ilmiy qarashlari aks ettirilgan materiallarning bayoni keltirilgan.

To'plamga oliy o'quv yurtlarida iqtisodiy muammolar bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borayotgan professor-o'qituvchilar, doktorantlar, tadqiqotchilar, vazirlik, qo'mita va turli mulkchilik shaklidagi korxona va tashkilotlarning yetakchi mutaxassislari, magistr va talabalarning ilmiy izlanishlari natijalari kiritilgan.

Shuningdek, xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plamidagi materiallarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va keltirilgan me'yoriy-huquqiy hujjatlarning haqqoniyligi, tanqidiy fikr-mulohazalar va takliflarga muallifning o'zları mas'uldirlar.

Mas'ul muharrir: i.f.d., prof. S.K. Xudoyqulov

Tahrir hay'ati:

i.f.d., prof. A.S. Usmanov
i.f.d., prof. A.M. Qodirov
i.f.d., dots. F.I. Isayev

Taqrizchilar:

PhD O'.N. Abdulazizova
PhD S.B. Maximov
PhD S.R. Xolbayeva
PhD Sh.R. Xamdamov
PhD S.Z. Abrorov

Tashkiliy guruh a'zolari:

M.S. Sultanova
S.M. Kamilova
M.I. Asqarova
M.M. Islomova
M.Z. Berdaliyeva
F.Q. Sindarov
L.A. Saydirasulov
N.T. Pardaboyev

КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатни мустаҳкамлаш корхоналарнинг барқарор ривожланишини бошқаришнинг самарали механизмларини шакллантириш ва ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қиласи.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида ташкил этилган “Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлашга хизмат қиласи.

Бунда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш доирасида бир қанча мақсадлар қўйилган бўлиб уни амалга ошириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий тизимнинг молиявий инфратузилмасини ривожлантириш, инсон капиталини такомиллаштириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ва минтақавий ривожланишнинг давлат иқтисодий сиёсати билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган глобал жараёнларнинг миллий иқтисодиётимизга салбий таъсирини камайтириш мақсадида профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, илмий ходимлар, изланувчилар ўз илмий-амалий таклифлари билан иштирок этишди.

Мазкур конференцияда чоп этилаётган мақолалар маълум бир маънода миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантиришни таъминлашда дуч келадиган муаммоларни ечишга қаратилган назарий хулоса ва амалий таклифларни ўзида мужассам этган. Зоро, конференцияда иштирок этувчилар орасида миллий иқтисодиётимизнинг турли сегментларида ўз фаолиятини олиб бораётган етук мутахассисларни қўриш мумкин. Ўйлаймизки, мутахассисларимиз иқтисодиётимизда юз бераётган ҳозирги мавжуд ҳолатни, ютуқлар ва камчиликларини ҳамда муаммоларга берилган ўз ечимларини ушбу тўпламда чоп этилаётган мақолаларида атрофлича келтириб ўтишганлигини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

Мазкур конференцияни ташкил этиш ва ўтказишга ўз ҳиссасини қўшган барчага ўз ташаккуримизни изҳор этамиз. Умид қиласи, бу каби конференциялар “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб борилади.

**Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази директори
и.ф.д.проф., Ҳудойқулов Садирдин Каримович**

ВВЕДЕНИЕ

Перспективы реформирования и устойчивого развития экономики Узбекистана заключаются в определении ключевых направлений и подходов, которые обеспечат её долгосрочную стабильность, конкурентоспособность и способность адаптироваться к изменениям в глобальной экономике. Устойчивое развитие предполагает не только экономический рост, но и решение задач социальной стабильности, экологической безопасности и инновационного прогресса.

Текущие реформы в Узбекистане направлены на создание благоприятного инвестиционного климата, диверсификацию промышленного производства, усиление роли частного сектора и снижение зависимости от экспорта сырьевых ресурсов. В условиях глобализации и ускоренной цифровой трансформации ключевым аспектом становится развитие инновационных отраслей, внедрение искусственного интеллекта (ИИ) и активное формирование человеческого капитала. Эти процессы играют центральную роль в повышении конкурентоспособности и интеграции страны в мировые экономические процессы.

В условиях цифровой экономики, глобальные исследования показывают, что вклад человеческого капитала и ИИ в ВВП стран стремительно растёт. По данным Всемирного экономического форума, к 2030 году внедрение ИИ может принести мировой экономике более \$15 трлн, что эквивалентно 14,0% мирового ВВП. В Узбекистане также наблюдается активное развитие человеческого капитала, включая реформы в образовании и профессиональном обучении. В частности, значительные инвестиции направлены на улучшение системы подготовки специалистов в области ИТ и ИИ.

Как отметил Президент Республики Узбекистан «в рамках программы «Цифровой Узбекистан 2030» уже созданы конкретные меры для внедрения технологий искусственного интеллекта и развития человеческого капитала, которые будут основой для будущего роста экономики. Это включает подготовку более 500 тысяч специалистов в цифровых профессиях и создание платформ для интеграции ИИ в государственное управление и экономику.

Также отмечено, что развитие цифровых технологий не только улучшает качество жизни людей, но и способствует повышению прозрачности и эффективности государственных процессов, что важно для борьбы с коррупцией и повышения социальной справедливости. В частности, Президент Республики Узбекистан подчеркнул роль ИТ-сектора и создание ИТ-парков по всей стране как ключевой инфраструктуры для подготовки кадров и инноваций в области цифровых технологий.

*Директор Ташкентского филиала РЭУ им. Г.В. Плеханова
Академик АН РУз, д.э.н., профессор
Абдурахманов Каландар Ходжаевич*

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

**1-SHO'BA. MILLIY IQTISODIYOTNI BARQAROR RIVOJLANTIRISHNING
EKOLOGIK-IQTISODIY MUAMMOLARI**

**СЕКЦИЯ 1. ЭКОЛОГО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

**SECTION 1. ECOLOGICAL AND ECONOMIC PROBLEMS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE
NATIONAL ECONOMY**

Абдурахманов К.Х.	Перспективы реформирования и устойчивого развития экономики Узбекистана в условиях цифровой трансформации и внедрения искусственного интеллекта.....	12
Usmanov A.S.	Agricultural practices and CO ₂ emissions: transitioning to sustainable farming in Uzbekistan.....	17
Khamdamov Sh.	
Хамидулин М.Б.	Пути повышения энергообеспеченности экономики Узбекистана.....	19
Kadirova Z., Ismoilov B.	Issues of climate migration in the context of global climate change.....	22
Khamdamov Sh.	Energy Efficiency Programs and Their Impact on CO ₂ Emissions in Uzbekistan.....	26
Tulyaganova A.	Green Recruitment and Talent Management for Environmental Sustainability in Modern Organizations.....	29
Voxidova M., Ismailova M.	Green economy: analysis and scientific approaches.....	32
Yuldashev Sh.K., Vohidov J.B.	Environmental and socio-economic problems of the Aral Sea.....	36
Yuldasheva M.T.	Green fiscal reforms and taxonomy: driving Uzbekistan's sustainable economic growth.....	39
Байрак А.Н.	Актуальные вопросы функционирования системы управления твердыми коммунальными отходами в РФ.....	43
Боровкова И.В.	Использование молодежных проектов в целях решения эколого-экономических проблем (из опыта работы Ивановского филиала РЭУ им. Г.В.Плеханова).....	45
Гербут Е.А.	Устойчивое развитие: имеет ли глобальная проблема локальное решение?.....	48
Никольский Я.С.	Эколого-экономические проблемы сельского хозяйства: влияние на национальную экономику.....	51
Тайдаков А.Ю.	Особенности функционирования нефтегазовой отрасли России в условиях санкционной политики.....	53
Бируля А.Г., Пакалюк И.Д.	Влияние климатических изменений на фермерство и животноводство в Беларуси.....	56
Бугрик А. Е., Филичева Е. С.	Интеграция циркулярной экономики в концепцию зеленой экономики.....	60
Воробей Ф.С., Бышнёва Е. Е.	Внедрение ESG концепции в Беларуси.....	65
Голышко А.П., Загумённов Ю.Л.	Обеспечение устойчивого развития экономики Узбекистана в условиях интегративных экономических процессов.....	67
Ливanova K. A.	Циркулярная экономика как основа устойчивого развития: опыт и перспективы.....	71
Кожин В.В., Саврухин А.Н.	Устойчивое развитие экономики как необходимое условие эволюции общества.....	75
Стациенко Ю. А.	Нарушение климатического баланса и его влияние на устойчивость национальной экономики.....	79

"MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI"
mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Этьен Андрш	Малый бизнес как фактор устойчивого развития национальной экономики.....	83
Абдухакимов Э.Дж.	Развитие зеленой экономики как фактор устойчивого экономического роста в условиях климатических изменений.....	87
Aliqulova N.B.	O'zbekiston moliya bozori yashil instrumentlarining joriy holati va istiqbollari.....	92
Asrayev Sh.B.	Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishning ekologik-iqtisodiy muammolari.....	95
Aydaniyazova B.A.	Qishloq xo'jaligi korxonalarining optimal tarmoq tuzilmasini shakllantirishda chorvachilikning rolini asoslash.....	99
Bayisbayev J.N.	Tadbirkorlik faoliyatida ijtimoiy yo'naltirilgan loyihalar samaradorligini oshirish.....	102
Bultakova S.Q.	Xizmatlar sohasini diversifikatsiyalashning xorij tajribasi.....	106
Butanova D.R.	O'zbekiston qishloq xo'jaligi rivojlanish taraqqiyotining o'ziga xos xususiyatlari.....	110
Jiyanov U.	Xalqaro turizm rivojlanishing ekologik muammolari.....	114
Исаджанов А.А.	"Яшил" иқтисодиёт ва углерод нейтраллигига эришиш.....	117
Ким Е.Р.	Человеческий капитал в концепции эколого-экономической устойчивости национальной экономики.....	121
Kushbakova S.	Qayta tiklanuvchi energiyaning xorijiy mamlakatlarda rivojlanish dinamikasi.....	124
Маликов Ш. Ш.	Цифровизация национальной экономики как фактор устойчивого развития.....	128
Мирзахалирова Д.	Социальная ответственность нефтегазовых компаний: международный опыт.....	131
Мухаммадиев З. У.	Мамлакатда яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	135
Opayev B.A., Akpolatov B.D.	Qishloq xo'jaligida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish va iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish samaradorligi.....	138
Разакова Б. С.	Опыт организации деятельности университетов по принципу "Ядра" модели США	141
Саттарова Б.Ш.	Внедрение и развитие ESG-лизинга в Узбекистане.....	144
Сейтова Л.П.	Методологические основы устойчивого развития в условиях социально-экономических и экологических ограничений.....	148
Turdiyeva M.U.	O'zbekistonda bolalar oziq ovqat mahsulotlarini barqarorlashtirish sharoitida bozorining ahamiyati.....	152
Умарова Ш.А.	ESG-трансформация бизнеса - общенациональная задача стратегии развития Узбекистана.....	155
Хамидуллаев С.А.	Законодательные основы развития креативной экономики в Узбекистане.....	160
Xo'jamqulov B.	Mamlakazimiz mintaqalarida qishloq xo'jalik tarmog'ini barqaror rivojlantirish holati.....	164
Yo'ldosheva L.T.	Turizm sohasini davlat tomonidan tartibga solishning usullari, omillari va vositalari.....	168
Yoriyeva F.M.	Agroturizm sohasini rivojlantirishdagi mavjud muammolar.....	172
Сагидуллин Ф.Р.	Зелёная экономика как основа устойчивого развития экономики Узбекистана.....	175

2-SHO'VA. IQTISODIY TIZIMDA MOLIYA INFRATUZILMASI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH
СЕКЦИЯ 2. ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ
ИНФРАСТРУКТУРЫ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ
SECTION 2. INCREASING THE EFFICIENCY OF FUNCTIONING OF THE FINANCIAL INFRASTRUCTURE IN
THE ECONOMIC SYSTEM

Худойкулов С.К.	Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётни камайтиришда молия-кредит механизмларидан самарали фойдаланиш масалалари.....	179
-----------------	--	-----

"MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI"
mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Исаев Ф.И.	Электрон тијоратни солиққа тортишдаги асосий муаммолар.....	189
Абдурахманов О.К.	Повышение эффективности функционирования финансовой инфраструктуры в экономической системе.....	192
Усманов А.С.	Методология экономической функции налоговой системы.....	196
Abdullaeva A.M.	Specific aspects and comparative analysis of traditional and islamic mortgage.....	201
Abdurashulov B.	Managing Takoful Funds: A Comprehensive Approach in Islamic Finance.....	206
Dushamova Sh.	Access to finance in small firms' growth.....	209
Gulyamova G.S.	The impact of the digital economy on financial infrastructure.....	212
Isakov O.K.	Does interest rate affect non-performing loans? Empirical evidence from commercial banks in Uzbekistan.....	216
Kamolova F. K.	Accounting for accounts receivable according to IFRS.....	220
Khakimov F.U.	The procedure and analysis of tax debt collection of individuals	224
Kholikov Kh.	The yield curve of the government bonds of the Republic of Uzbekistan.....	226
Гончаренко В.П.	Анализ финансовых активов как важный компонент оценки финансовой деятельности компании.....	229
Лаптева Е.В.	Оценка факторов, влияющих на уровень рискованности активных операций российских коммерческих банков.....	233
Турович Л.И.	Роль расходов бюджетов субъектов РФ и их оптимизация.....	237
Чудакова С.А.	Влияние валютных рисков на деятельность коммерческих банков России.....	242
Abduvoxidov A.A.	Faktoring xizmatlari bozorini rivojlanirish.....	245
Kamilova S.M.		
Абдулазизова Ў.Н.	Преодоление барьеров для функционирования промышленно-финансовых групп в Узбекистане: мировой опыт и адаптация.....	248
Абдуллаев Р. В.	Ўзбекистон ва ислом тараққиёт банки: ҳамкорлик ривожининг тадрижий босқичлари.....	251
Абдуллаев Ш. А.	Совершенствование привычек сбережений и инвестирования как фактор стимулирования экономического роста.....	254
Abdullayeva (Boysunova) D.Ch.	Foyda solig'ini aniqlashga xarajatlarni tasniflash usullari.....	256
Абуталипов М.Ф.	Оценка эффективности инвестиционной деятельности коммерческих банков в контексте системного подхода.....	260
Атақулов У.М.	Кўчмас мулк объектларини солиққа тортишнинг аҳамияти ва хуқуқий асослари.....	264
Axmedov D.	Fond bozori rivojlanishining tahlili va uning iqtisodiyotga ta'siri.....	267
Бабаев Ф.М.	Солиқ маъмуритчилигининг самарадорлигини баҳолаш.....	270
Begali S.A.	O'zbekistonning iqtisodiy landshaftini yangi bosqichga olib chiqishda kraufdandingning o'rni va rivojlanish istiqbollarri.....	272
Berdaliyeva M.Z.	Uy-joy qurilishini davlat-xususiy sheriklik asosida va ulushli moliyalashtirish.....	276
Бобобеков Ф.Р.	Тијорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ресурсларини жалб қилиш муаммолари.....	280
Valiyev B., Abrorov S.	Ayrim mamlakatlarda sukuk bozorining rivojlanishi.....	283
Воронин С.А.	Использование механизмов налогообложения и ценообразования в целях улучшения производственно-финансового состояния предприятий.....	286
Азимова Ф.М.		
Восиқов А.Р.	Акциялар бозорини ривожлантириш истиқболлари.....	290
Voxidova M.X.	O'zbekiston Respublikaning xalqaro moliyaviy institutlar bilan aloqalari.....	293
Nuriddinova N.Sh.		
Davranov I.J.	Soliq ma'muriyatichiliginin takomillashtirish orqali yashirin iqtisodiyotga qarshi kurashish yo'llari.....	297
Jomolov M.M.	Investitsiyalarni jaib etish va o'zlashtirish jarayonlarini statistik tadqiq qilishning nazariy-uslubiy asoslari.....	301

"MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI"
mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Jumabayeva K.B.	Rivojlangan davlatlarda nodavlat pensiya jamg'armasini shakllantirish tendensiysi.....	303
Jumaniyazov N.O.	Xalqaro moliya infratuzilmasi tajribalari: O'zbekiston uchun takomillashtirish yo'llari.....	307
Zokirova N.I.	Moliyaviy natijalar auditini takomillashtirish.....	310
Zunnunova X.M.	Tijorat banklarini raqamlashtirish istiqbollari.....	312
Исаев А.Дж., Бердиназаров З.У.	Изменение форм денег в контексте цифровой экономики.....	316
Исаев А.И.	Бизнес тармоқларида солиқ имтиёzlари дастурларини оптималлаштириш стратегияси.....	320
Ирматов А.А.	Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг иқтисодиётга таъсири.....	324
Кадыров А.М. Ахмедиева А. Т.	Современные тенденции развития инвестиционных процессов в Республике Узбекистан.....	327
Камилова С.М.	Электрон тижоратни солиққа тортиш назарияси.....	332
Караев М. Ю.	Акция қиймати ва уни баҳолаш ёндашувлари.....	336
Ким Д.И., Размухамедов Д.	Анализ состояния статистических данных и цифровизации Узбекистана.....	339
Kirgizov D.E.	O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlanib borish tendensiyalarini statistik tadqiq qilishning nazariy-uslubiy asoslari.....	343
Мамедова Г.К.	Тижорат банкларининг солиққа тортилишининг иқтисодий оқибатлари.....	346
Мирзаева М.Ғ.	Хусусий банклар ресурс базасини мустаҳкамлашда капиталнинг ўрни.....	349
Мирзарахманов Ф.	Вывод риэлторской деятельности из теневой экономики Узбекистана: проблемы и пути решения.....	354
Мусабеков Д.Х.	Обеспечение экономической эффективности и безопасности банковской системы как приоритетная задача в период развития цифровых технологий.....	358
Mustafoyeva Y.	Ishlab chiqarish xarajatlar auditini takomillashtirish.....	362
Одилов Ш.Ш.	Инновационные факторы экономического роста в Республике Узбекистан.....	365
Пулатова М.Б. Мадярова Б.Х.	Влияние цифровизации и технологий на процесс сбора налогов с доходов физических лиц	370
Rasulov J.Sh.	Analysis and forecasts of the main economic indicators of the Republic of Uzbekistan using general equilibrium models.....	373
Рахимходжаева Н.	Современные тенденции повышения инвестиционной привлекательности экономики Узбекистана.....	377
Сайдирасулов Л.	Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштиришда исломий капитал бозорини шакллантириш масалалари.....	384
Sobirov J.	O'zbekistonda korporativ sektorni moliyalashtirishni rivojlantirish.....	388
Султанова М.С.	Роль и значение финансовых инноваций для банковского сектора экономики.....	391
Sultonboeva M.B.	Investitsiya fondlariga investitsiyalarni jalg qilish xalqaro yondashuvlari.....	394
Sultonov B.B.	O'zbekiston iqtisodiyotiga islom moliyasini joriy qilish istiqbollari.....	398
To'ychiyev A.G', Ahrorqulov J.O.	O'zbekiston soliq qonunchiligidagi yangiliklar.....	401
Убайдуллаева А.Х., Ортикова Н.А.	Перспективы развития акцизного налогообложения в Республике Узбекистан.....	404
Умарова М.Б.	Ўзбекистонда банкларни трансформациялаш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари.....	408
O'razaliyev J.O'.	Mamlakat moliya tizimi faoliyati samaradorligini oshirishda sug'urta kompaniyalarining roli.....	413
Fayzullayev D.M.	Davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini baholashning ustuvor yo'nalishlari.....	416

"MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI"
mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Xaitbayev J.O.	Moliyaviy infratuzilma samaradorligini oshirishda makroiqtisodiy siyosat vositalari.....	419
Xaitbayev J.O., Kochkarov X.A.	Milliy iqtisodiyot bank tizimida muammoli kreditlar salmog'ini kamaytirish asoslari.....	422
Хайдаров Х.Л.	Инвестицион жозибадорлик тушунчасининг назарий асослари.....	425
Халиков Р.Б.	Проблемы цифровизации страхования в Узбекистане.....	429
Хамдамов О.Н.	Корпоратив тузилмаларда замонавий молиявий бошқарув механизмини такомиллаштириш.....	433
Xoldorov S.U.	Tijorat banklari samaradorlik ko'rsatkichlari tahlili.....	437
Xonxusanov B.A.	Tijorat banklarida lizing operatsiyalari hisobi va auditini takomillashtirish.....	441
Элмирзаев С., Абдураимов Б.	Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришнинг молия бозорини ривожлантиришдаги ўрни.....	444
Юсупов Ф.Я.	Методы оценки финансового потенциала хозяйствующих субъектов.....	447
Qahorov R.A.	Investitsion loyihalar kredit riskini minimallashtirish yo'llari.....	450
Qosimov S.I.	Iqtisodiy tizimda mulkni baholash infratuzilmasi faoliyati samaradorligini oshirish.....	454
Исломова М.М.	Глобальные тенденции в финансовой инфраструктуре: сравнительный анализ и рекомендации для стран с развивающейся экономикой.....	457

3-SHO'VA. ICHKI VA TASHQI MIGRATSIIYA VA RASMIY BANDLIKNI TA'MINLASH
СЕКЦИЯ 3. ВНУТРЕННЯЯ И ВНЕШНЯЯ МИГРАЦИЯ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЛЕГАЛЬНОЙ ЗАНЯТОСТИ
SECTION 3. INTERNAL AND EXTERNAL MIGRATION AND ENSURING LEGAL EMPLOYMENT

Умурзаков Б.Х.	Янги иш жойларни барпо этишнинг хорижий давлатлар тажрибалари.....	461
Mamadaliyeva X.X.	O'zbekistonda migratsiya jarayonlarining hududiy xususiyatlari.....	465
Iskandarova N.	Internal and external migration and its consequences in the modern world.....	468
Narzullayeva U.	Social protection in developing countries.....	471
Абдуллаева М.С.	Влияние миграционной политики на экономику Узбекистана.....	474
Amaniyazov R. B.	Aholi daromadlarini ko'paytirish va milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlanterishning innovatsion yo'nalishlari.....	478
Aliev P. K.	Ichki va tashqi migratsiya va rasmiy bandlikni ta'minlash.....	481
Amaniyazova R.B.	Обеспечение легальной занятости и сокращение уровня бедности в Узбекистане.....	485
Аскарова М.И.	Оилавий миграция маълумотларини юритиб боришдаги тўсқинликлар.....	489
Аскарова М. И.	Меҳнат миграцияси ортида қолган оиласлар.....	492
Баҳриддинова М.	Ўзбекистонда аҳоли ички миграцияси ва унинг ҳудудий таҳлили.....	495
Баҳриддинова М.А.	Қашқадарё вилояти меҳнат ресурсларининг маълумотлилик даражаси ва Оманова К.Б.	500
Оманова К.Б.	кадрлар сифатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири.....	
Voxidova M.X.	Xalqaro migratsiyasiga ta'sir etuvchi omillar.....	504
Habibullayev K.M.		
Зухуржонова З.	Инфляция как угроза благосостояния населения в стране.....	507
Исламова Б.Б.	Миграцион жараёнларнинг меҳнат бозори ва иқтисодиётга таъсири.....	511
Исламова Б.Б.	Современные тенденции развития миграционной политики Германии в обеспечении легальной занятости.....	515
Исмаилов С. С.	Формирование человеческого капитала в условиях цифровой трансформации банковской инфраструктуры.....	519
Касимова С.У.	Повышение эффективности сотрудников при помощи мотивации.....	522
Қаҳҳоров А.А.	Ташқи миграцияни ташкил этишда фуқароларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўналишлари.....	526
Эшматов А.А.		
Qurbanov S.P.	Mehnat migratsiyasining unumli bandlik tamoyillariga asoslanishi: vaziyat va zarurat.....	529
Kutbitdinova M.I.	Aholini ijtimoiy himoya qilishning ilg'or xorijiy tajribalari va ulardan mahalliy darajada foydalanish yo'llari.....	534
Mardiev B. S.	Hududlarda hodimlar mehnatini teng baholashni takomillashtirish.....	536

"MILLIY IQTISODIYOTNI ISLOH QILISH VA BARQAROR RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI"
mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Narbayeva G.M.	Demografik o'zgarishlarning bandlik tendensiyalariga ta'siri: global istiqbol.....	540
Omanova K.B.	O'zbekistonda aholi migratsiyasining hududiy tafovutlari.....	543
Rahmatova N. A., Po'latova V. V.	Migratsiya va rasmiy bandlikni ta'minlashning xususuyatlari.....	546
Tojiyeva Z.N., Omanova K.B.	Mehnat migratsiyasini tadqiq etishning hududiy masalalari.....	549
Холбаева С.Р.	Региональный дисбаланс развития человеческого капитала и инклюзивная политика.....	552
Xonturayev B.	Erkaklar va ayollarning pensiyaga chiqish yoshini tenglashtirish masalalari.....	555
Eshtayev A.A. Bolkiboeva U.B.	Creation of new jobs through development of rural tourism infrastructure.....	557
Юсупова М. А.	Оптимизация трудовых ресурсов в условиях цифровой трансформации финансовой инфраструктуры.....	560
Явкачев Ш.З.	Эффективность мер по снижению безработицы в условиях цифровизации.....	564

**4-SHO'BA. HUDUDLARNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISH DARAJASINI
TEGLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI**

**СЕКЦИЯ 4. МЕРЫ ПО ВЫРАВНИВАНИЮ УРОВНЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ**

SECTION 4. MEASURES TO EQUALIZE THE LEVEL OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF REGIONS

Зокирова Н.К.	Роль цифровых технологий в ускорении социально-экономического выравнивания регионов.....	568
Akhrorova N.U.	Organizational aspects of student tourism in Central Asia: visa policies for student mobility.....	572
Khayitova F. B.	Elaboration of foreign economic relations of the region.....	576
Malov M.	Efficiency of transport infrastructure as a way to equalize socio-economic development of regions.....	580
Toshmamatova M.	The main principles and factors of the development of regional tourism services.....	583
Астахова А.А.	Меры по выравниванию уровня социально-экономического развития регионов.....	587
Пацына А.С.	Государственные программы цифрового развития союзного государства Российской Федерации и Республики Беларусь.....	590
Петров Д.С., Жерноклеев А.С.	Зарубежный опыт децентрализации государственного управления и особенности центр-локальных отношений в экономической системе страны.....	594
Потёмкина М. А., Мамчиц А. А.	Примеры международных практик по выравниванию уровня социально-экономического развития регионов	598
Шубина Е.А., Самодурова Н.А.	Стратегическое планирование как инструмент социально-экономического развития территорий.....	602
Abdikarimova D.	O'zbekistonning jahon savdo tashkilotiga integratsiyasi: iqtisodiy imkoniyatlar va muammolar tahlili.....	606
Абдуллаев З.А.	Худуд солиқ потенциалини баҳолаш усулари.....	608
Абдуллаева X.Н.	Корхоналар фаолиятида маркетинг дастурларидан фойдаланиш зарурияти ва унинг функциялари.....	611
Begimqulov J. J., Qozoqboyev A.A.	Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda turizm sohasining istiqbollari.....	615
Voxidova M. X., Nuriddinova N.Sh.	Markaziy Osiyo transport koridorlarining mintaqasi tashqi savdosidagi o'rni.....	618
Djalilova D.R.	Raqamli platformalarning hududlar iqtisodiy rivojlanishiga ta'siri.....	621
Ergasheva A. F.	Hunarmandchilikning hudud iqtisodiyotida tutgan o'rni.....	625
Zarekeyev A.A.	Uzumchilikda mahsulot yetishtirish samaradorligini oshirish istiqbollari	

1. солиқлар ва солиқсиз тушумлар таснифи аниқлаш;
2. даромадлари таснифида солиқ ва бошқа солиқсиз тушумларни түлиқ қамраб олиниши;
3. мавжуд солиқ манбалари асосида ўртача солиқ ставкаси қўллаш учун стандарт солиқ солинадиган базани аниқлаш;
4. стандарт солиқ солинадиган базасига қўлланиладиган презентатив (ўртача) солиқ ставкаси ҳисоб-китоби;
5. РСТ усулида солиқ потенциалини ҳисоблаш.

Солиқ потенциалини баҳолашда кўплаб усуллар (РСТ, эконометрик, солиқ тушумлари, аҳоли жон бошига ўртача даромад ва бошқалар) қўлланишини, барча усулларда аҳоли жон бошига ўртача даромад, солиқ тўловчилар сони, солиқ ставкаси, солиқ базаси, ҳудудий ЯИМ ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинишини кўрсатиб ўтилан[3]. Солиқ потенциалини баҳолашда турли тузатиш коэффициентларини қўллаш усулида меҳнат унумдорлик коэффициенти, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси коэффициенти, солиқ йиғилувчанлик коэффициенти каби ижтимоий-иктисодий коэффициентларни ҳисобга олиш лозим.

Бироқ, амалга оширилган эконометрик таҳлилларда солиқ потенциалининг миқдорий баҳоланишида иқтисодчи олимлар томонидан турли-туман ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Карапаев томонидан солиқ потенциалини миқдорий баҳолашда абсолют кўрсаткич (максимал ундирилиши мумкин бўлган солиқлар ҳажми) ва нисбий кўрсаткичлар (ҳудудий ЯИМдаги солиқ тушумларини улуши, ҳудудда яшовчи аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача солиқ тушуми, структура коэффициентлари, индекс усулларини киритилган[4]. Islyamutdinov амалга оширган регрессион таҳлилда солиқли даромад, солиқ қарздорлиги, солиқ имтиёzlари ва макроиктисодий кўрсаткичлардан фойдаланилган[5].

РСТнинг регрессион усули солиқ тушумларини ўрта ва узоқ муддали прогнози ишлаб чиқишида самарали бўлиб, бу усулда бюджет даромадлари ҳажмига таъсир этувчи мустақил ўзгарувчиларни таъсири таҳлил қилинади. Мазкур усул мураккаб ҳисбланиб, ҳар ўлчов бирлигидаги маълумотлардан фойдаланиш натижасида солиқ потенциали кўрсаткичларида фарқланишга олиб келиши мумкин, бироқ солиқ прогнози ишлаб чиқишида мустақил ўзгарувчиларни таъсирини баҳолашда корреляцион-регрессион таҳлил самарали ҳисбланади.

Солиқ потенциалини самарали баҳолашда ҳудудларнинг макроиктисодий кўрсаткичлар (ҳудудий ЯИМ, солиқ базаси, аҳоли бандлиги, аҳоли жон бошига ўртача даромад, солиқ тўловчилар сони ва таркиби) ва тузатиш коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш орқали ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишиш йўналишларини янада тўлиқ тасаввур қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Игонна Л.Л., Кусраева Д.Э. О методиках оценки налогового потенциала региона-субъекта РФ// *Terra economicus*. Т. 7. №4 (ч.2). 2009. -С. 197-201.
2. Синельников-Мурылев С., Кадочников П., Идрисов Г. 2011. Налог на прибыль предприятий: анализ реформы 2001 г. и моделирование налогового потенциала регионов. М.: Институт Гайдара. 180 с.
3. Горшкова Н.В., Шаманин В.И 2016. Методические подходы к оценке налогового потенциала региона на примере волгоградской и ростовской областей. <https://cyberleninka.ru>.
4. Каратеев А.С. 2010. Инструментарий оценки налогового потенциала // Вектор науки ТГУ. № 4. С. 226–229.
5. Islyamutdinov, S. I. 2007. Taxable capacity of a territory: Methodological aspects of formation and use:Dissertation.Nalogovyj potentsial territorii: Metodologicheskie aspect formirovaniya iispol'zovaniya: dis... kand. ekonom. Nauk. Samara

**КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ ДАСТУРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

Абдуллаева Ҳилола Нутфиллоевна
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Ишлаб чиқариш муносабатларининг тобора глобаллашиб бориши натижасида корхоналар ўртасида рақобат курашининг кучайиши натижасида корхоналарнинг бозордаги эгаллаган ўрнини сақлаб қолиши, янги бозорларга кириб бориши, уларнинг қамров даражасини ошириш каби стратегик вазифаларни ҳал этиш зарурияти ортди. Натижада иқтисодий адабиётда корхоналар фаолиятини ташкил этишда маркетинг дастурларидан фойдаланиш, унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотларга устуворлик қаратилди. Жумладан, бугунги кунга келиб, глобал ишлаб чиқариш занжирининг ривожланиши корхоналар ўртасидаги рақорбат курашининг тобора кескинлашишига олиб келди. Бу эса уларнинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишида маркетинг дастурларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш заруриятини уйғотади.

А.П. Карасев [1] ўз тадқиқотлари жараёнида замонавий бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида корхоналар фаолиятида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётининг заруриятини қўйидагилар билан изоҳлайди:

- биринчи, бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланишининг замонавий тенденцияларига қўра, корхоналар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг тобора мураккаблашуви, бозор конъюнктурасидаги кескин ўзгаришларнинг вужудга келиги, рақобатчиларнинг нисбий рақобат устунликларидан самарали фойдаланишга бўлган интилишларининг кучайиши ҳар қандай

корхоналар фаолиятида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётининг илмий ва амалий жиҳатдан долзарблигини оширади. Бу орқали корхона фаолиятини ташкил этиш, жумладан, унда тўғри йўналишдаги бошқарув қарорларини қабул қилишнинг сифат кўрсаткичлари маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиёти самарадорлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар қандай корхона фаолиятини ташкил этишда унинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, ўзи учун хусусий ҳисобланган маркетинг комплекси ва унинг таркибий компонентларини тўғри ташкил этиш талаб этилади;

- иккинчи, бозор иктисодиётининг ривожланиб бориши натижасида жамият ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий, маданий, экологик ўзгаришлар, жумладан, кескинликлар бозор талаби ўзгаришига, жумладан, истеъмолчилар танловига таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур таркибий ўзгаришларига олиб келган ҳолда, корхона фаолиятини бозор талабларига мослаштириш заруриятини оширади. Бунда корхона фаолиятини ташкил этишда маркетинг дастурлари орқали чуқур бозор тадқиқотлари ўтказиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини истеъмолчилар талабларига мослаштириш хўжалик фаолияти юритиш самарадорлигининг муҳим шарти сифатида намоён бўлади;

- учинчи, иктисодий муносабатлар тизими амал қилишининг глобаллашуви натижасида глобал ишлаб чиқариш занжирининг ривожланиши корхоналарнинг нисбий устунлик хусусиятларини аниқлаш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни аввалдан башорат қилиш орқали, уларга тезкорлик билан мослашишини таъминлаш талаб этилади. Шу сабабли, корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида махаллий даражада маркетинг дастурларидан фойдаланишга устуворлик қаратилса, корхона фаолияти ривожланиб боргани сари маркетинг дастурлари амал қилишининг кўлами глобаллашиб бориши керак бўлади;

- тўртинчи, ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) индустрясининг ривожланиши ва ахборот алмашинуви тезлигининг ортиши натижасида корхона фаолиятида инновацион маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётига ўтиш керак бўлади. Бунда замонавий АКТ индустряси маҳсулотларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятидан маркетинг дастурларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш амалиётини такомиллаштириш, бозор тадқиқотлари ўтказишида турли мобил илова ва интернет тармоқларидан фойдаланиш орқали вақт сарфини тежаш, онлайн тарзда истеъмолчилар билан сўровномалар ташкил этиш кабиларни айтиш мумкин бўлади.

Шу ўринда махаллий иқтисодчи У. Шарифходжаев томонидан билдирилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “маркетинг бошқаруви функциялари ўзининг ташкилий тузилиши ва қамров даражасидан қатъий назар, корхона маркетинг фаолиятининг объектив мазмунини ўзида акс эттиради. Маркетинг бошқаруви органлари функциялари эса корхонанинг таркибий бўлимлари ва уларнинг хизматлари ўртасидаги оқилона меҳнат тақсимоти талабларига асосланган ҳолда, маркетинг вазифалари ҳамда тегишли шартларга мувофиқликни таъминланишини назарда тутади” [2].

Юқорида билдириб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда, корхона фаолиятини ташкил этишда маркетинг даастурларидан фойдаланиш амалиёти тегишли функцияларни бажаради, деган холосага келиш мумкин бўлади. Корхона фаолиятида маркетинг даастурларидан фойдаланиш амалиётининг функционал тақсимоти унинг мақсади, вазифалари, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида иштирок этувчи корхона таркибий тузилмасининг ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлаш имконини беради. Бу эса корхона фаолиятини ташкил этишда маркетинг даастурларидан фойдаланиш амалиёти қўплаб функционал вазифаларни ҳал этиш учун замин яратишидан далолат беради.

В.А. Шаповалов [3] корхона фаолиятида маркетинг даастурларидан фойдаланиш амалиёти билан боғлиқ бўлган ташкилий, ишлаб чиқариш, савдо (тижорат, сотиш) ва таҳлилий функцияларни ўзаро ажратиб кўрсатади. Корхона фаолиятида маркетинг функцияларини гурухлашда олим “маркетинг микс” комплексининг “4 Р” базавий концепциясига асосланади ва уларни қуйидаги тартибда изоҳлайди:

- ташкилий функция – корхона фаолиятида маркетинг даастурларидан фойдаланиш амалиётини ташкил этиш, яъни, корхонанинг ривожланиш салоҳиятига мос келадиган хусусий маркетинг комплексини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш амалиёти билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Мазкур функция амал қилиши учун маркетинг фаолиятини режалаштириш, унинг ахборот алмашинувини ўрнатиш ва маркетинг мониторинги каби базавий таркибий компонентларнинг амал қилиш механизмларини шакллантириш керак бўлади;

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган маркетинг функцияси бозор талаби, жумладан, корхона кириб бориши режалаштирилаётган янги бозорларда танланган бозор сегментини ташкил этувчи истеъмолчилар талабларига мос келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича тегишли қўрсатмаларни ишлаб чиқиши англашади. Ушбу вазифани ҳал этишда маркетологлар томонидан бозор тадқиқотларини ўтказиш, корхона билан унинг мижозлари ўртасида ўзаро алоқадорликни ўрнатиш, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг миқдор

ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш каби қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади;

- савдо функцияси корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сотиш, жумладан, уни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган ресурсларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни англатади. Айриқ тадқиқотларда ушбу функция тижорат ёки ҳамкорлик функцияси сифатида ҳам номланади. Корхоналар фаолиятини ташкил этиш амалиётида ушбу функция корхонанинг тижорат бўйича ҳамкорлик муносабатларини, мижозлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш, янги савдо ҳамкорларини топиш билан боғлиқ жараёнларда ўз аксини топади;

- таҳлилий функция корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида илмий ва амалий (бозор) маркетинг тадқиқотларини ўtkазиши жараёнида маълумотларни жамлаш, уларни қайта ишлаш, корхонанинг ташки ва ички муҳитдаги ўзгаришларга юқори даражадаги мослашувчанлигини таъминлаш йўналишлари бўйича тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади [4].

Корхона фаолиятида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётининг функционал жиҳатлари таҳлилига кўра, бунда маркетинг дастуринг ҳаётийлик циклини ўзида акс эттирганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шунингдек, корхонанинг ҳар бир таркибий бўғини тегишли равища маркетинг фаолиятини амалга оширишнинг функционал вазифаларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Ушбу вазифани ҳал этишда корхона фаолиятида меҳнат тақсимотидаги таркибий бўғинларнинг бажарадиган функцияларига асосланиш керак бўлади. Умумий ҳолда корхона фаолиятида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётининг илмий-концептуал асосилари, жумладан, унинг функцияларининг мазмун моҳиятини таҳлил қилиш асосида бу турдаги дастурлар корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган талаб ҳажмини ошириш орқали корхонанинг бозордаги товар айланмаси ҳажмини ортишига хизмат қиласи, деган хуносага келиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Карасев А.П. Маркетинговое исследования как фактор снижения риска деятельности предприятия на рынке // Социально-экономические риски XXI века: мифы и реальность: колл. монография. Ярославль: Канцлер, 2013. – с. 17-19
2. Эргашходжаева Ш., Шарифхўжаев У. Маркетингни бошқариш: Даслик. Тошкент.: "IQTISODOYOT", 2019. 462 б.
3. Шаповалов В.А. Управление маркетингом и маркетинговых анализ: Учебное пособие / В.А. Шаповалов. – Ростов н/Д: Феникс, 2008 – 236 с.
4. Абдуллаева, Ҳ. Н. (2024). МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МАРКЕТИНГ ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting*, 4(05), 1-9.

5. Abdullayeva, H. N. (2024). O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINING DOLZARB MUAMMOLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES, 3(29), 231-238.
6. Abdullayeva, H. (2024). KORXONA FAOLIYATIDA INNOVATSION MARKETINGDAN FOYDALANISH. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 49(49).
7. Abdullayeva, H. N., & Sardor, M. (2024). RAQAMLASHTIRISH-MAMLAKAT TARAQQIYOTNING MUHIM OMILI. INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS, 3(27), 113-121.
8. Sayfullayeva, M. I. (2024). YANGI O'ZBEKISTONDA BUXORO VILOYATI QURILISH TARMOG'I RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. XALQARO KONFERENSIYA VA JURNALLARNI SIFATLI INDEXLASH XIZMATI, 1(1), 231-235.

HUDUDLARNI IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA TURIZM SOHASINING ISTIQBOLLARI

*Begimqulov Javohirbek Jo'raqul o'g'li
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti,
Qozoqboyev Abdumajid Abduvali o'g'li
Guliston davlat universiteti talabasi*

Annotatsiya. Bugungi kunda jahonda turizm sohasini yanada rivojlantirish, uning makroiqtisodiy ko'rsatkichlardi ulushini oshirish, mamlakat hududlarida aholini yangi ish o'rirlari bilan ta'minlash maqsadida hududlarda turistik salohiyatni takomillashtirishga asos yaratadigan ilmiy tadqiqotlarga ehtiyoj ortib bormoqda. Shu jihatdan mazkur maqolada mamlakat hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlantirishning turizm tarmog'idan kelib chiqqan holda tahlil qilingan.

Tayanch iboralar: turizm, eksport, tushum, xorijiy sayyoh, pandemiya, turist, investitsiya, barqaror rivojlanish.

Butunjahon turizm tashkilotining (UNWTO) 2023-yil uchun qayta ko'rib chiqilgan ma'lumotlar xalqaro turizmdan eksport tushumlari 1,8 trillion AQSH dollarini (shu jumladan tushumlar va yo'lovchi tashishlarni hisobga olgan holda) pandemiyagacha bo'lgan (2019-yilga nisbatan real ko'rinishda -1%) bo'lganini ko'rsatadi. To'g'ridan-to'g'ri turizm yalpi ichki mahsuloti ham 2023-yilda pandemiyadan oldingi darajani tikladi va taxminan 3,4 trillion dollarni tashkil etdi, bu global YAMning 3 foiziga teng. [1]

Global miqyosda dunyo davlatlarining turizmdan keladigan tushumlari ortib bormoqda. So'nggi yillarda bu borada Amerika Qo'shma Shtatlari yetakchilik qilmoqda, uning daromadi 175,9 milliard dollarni tashkil etgan. Buni xalqaro ekspertlar AQShda turistik sayohatlar biroz qimmat ekani bilan tavsiflashadi. Keyingi o'rirlarda Ispaniya, Angliya, Fransiya va Italiya mamlakatlari bo'lib, ularning daromadi taxminan 55-92 mlrd dollar oralig'ida (1-jadval).